*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 291 (6. 780) ◉ 1988 йил 22 декабрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◉ **Совет космонавтлари Владимир Титов, Муса Манаров ва Франция республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Жан — Лу Кретьен одам бошқарадиган «Мир» комплекси ичидаги тадқиқотлар ҳамда экспериментлар программасини муваффақиятли тугаллашганидан кейин 21 декабрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 57 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар. «Союз ТМ—6» кемасининг туширилувчи аппарати Жезқазғон шаҳридан 180 километр жанубн-шарқда қўнди. Космонавтлар ерга қўнганларидан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляков орбитада ишни давом эттиришмоқда.**

## ТОШКЕНТ — АРМАНИСТОНГА

### Ҳамдардлик

Бизнинг Тошкент тепловоз депоси коллективи барча совет кишилари қатори Арманистон бошига тушган оғир мусибатдан қаттиқ азият чекмоқда. Чунки «Қўшнинг бошига тушган кулфат, сенинг бошингга тушган мусибатдир».

Коллективимиз бир тану бир жон бўлиб, арман халқига қўлдан келгунча ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Мана шу кунга қадар корхонада икки марта йиғин бўлиб ўтди ва зилзиладан зарар кўрганларга 24500 сўмлик жамғарма ўтказилди.

Кеча ўтказилган қон йиғиш куни ҳам Арманистондаги зилзилада тан жароҳати олиб, қонга муҳтож бўлган кишилар учун мўлжалланган эди. Бундан ташқари 6 кишидан иборат комсомол-ёшлардан ташкил топган 3 та бригада ўзларининг ЗТЭЮМ—1308 тепловозлари билан қўшни арман халқига ёрдам учун жўнаб кетди. Комсомол ташкилоти ҳузурида жабрдийдаларга ёрдам бериш штаби очилган.

**А. ҒОИИБНАЗАРОВ,**
**Тошкент тепловоз депоси комсомол комитети секретари.**

### Қондошимиз

Тошкент Давлат медицина институтининг иккинчи клиникаси қошидаги қон қуйиш станцияси шу кунларда жуда гавжум. Бу ерга ташриф буюрган турли ёшдаги ва турли касбдаги ҳамшаҳарларимиз арманистонлик қардошларимизга қонларини бериш учун навбатда туришибди.

— Кишиларнинг тўхтовсиз келиб туриши киши қалбини тўлқинлантиради, — дейди ушбу клиниканинг қон қуйиш станцияси бош врачи Раъно Отахонова. — 10 декабрдан 14 декабргача 358 киши 70 литр қон топширди. Айниқса «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фрунзе районидаги 25-ўрта мактаб ва 34-ўрта ҳунар-техника билим юрти коллективлари, Сергели район Ички ишлар бўлими ходимлари ҳамда Тошкент Давлат медицина институтининг студентлари фидойилик кўрсатишди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси М. Султонов биринчилар қатори кўнгилли бўлиб қон топширди.

**М. СУЛАЙМОНОВ.**

### Қардошлик туйғуси

Арманистонда юз берган зилзила барча кишилар қатори «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-нон заводи коллективини ҳам ташвишга солди. Улар ҳам қардошларга ёрдам бериш иштиёқи билан меҳнат қилишмоқда.

Аброр Холмуҳамедов бошчилик қилаётган булка-нон цехининг 4-бригадаси аъзолари икки кунлик иш ҳақини зилзила рўй берган районларда олиб борилаётган тиклаш ишларига ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббусни кекса ишчилардан Галя Гильманова, Савия Усмонова, Аҳмаджон Жўраев, Мирфозил Содиқовлар қўллаб-қувватладилар. Йўлдош Ҳасанов, Раиса Аҳмедова, Ренат Сулаймонов етим қолган болаларни ўз тарбияларига олишга тайёр эканликларини билдиришди.

Арманистонга ёрдам беришга бағишлаб ўтказилган шанбаликда 61 новвой 22 тонна булка нон, 9,5 тонна оби нон, 2,5 тонна сайка нон маҳсулотларини сифатли пишириб ҳамшаҳарларимиз дастурхонига тортиқ қилишди. Ундан ташқари, 47 нафар ишчи-хизматчилар ўз иш жойларини тартибга келтиришди.

**Ф. ҒАФУРОВ.**

## XXIII Тошкент область партия конференцияси олдидан

Сўз — делегатларга

# ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

**Партиямиз қайта қуриш ғоясини ўртага ташлаганидан буён ўтган уч йил мобайнида Тошкент область партия ташкилоти муайян ишларни амалга оширди. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ва область меҳнаткашларининг саъйи-ҳаракатлари туфайли сиёсий ва иқтисодий соҳада ижобий силжишларга эришилди. Область партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, КПСС XXVII съезди ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини изчил амалга ошириб келмоқда. Лекин шунга қарамай, ҳали сиёсий-иқтисодий ва идеология соҳаларида қилинадиган ишлар кўп. Шу нуқтаи-назардан олганда, XXIII Тошкент область партия конференцияси муҳим ўрин тутади. Партия конференциясида область коммунистлари қайта қуриш ишларини янада жадаллаштириш хусусида фикрлашиб оладилар.**

**Область коммунистлари конференцияга қизғин тараддуд билан келмоқдалар. Уларни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммолар кўп. Мухбиримиз конференция делегатлари билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олди.**



**М. Ҳ. СОДИҚБОЕВА,**
**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 11-цехи тақсимловчиси, цех комсомол ташкилоти секретари.**

— Бирлашмамиз коллективи менга катта ишонч билдиришди. Бундай масъулиятли анжуманда биринчи марта қатнашаяпман. Мен ўйлайманки, конференцияда область комсомоллари фаолиятига ҳам тегишли гаплар бўлади, албатта. Биз комсомоллар қайта қуриш руҳида ишлашга, комсомолнинг обрўсини кўтаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ёшларга кўпроқ эътибор бериш керак. Уларга жамоат ишларини ишониб топшириш зарур. Ана шундагина қайта қуришда актив иштирок этадилар. Шунингдек, уй-жой муаммоларини ҳал этишда ёшларга ёрдам зарур.



**В. Ф. СМИРНОВ,**
**«Ташпромстрой» тресги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ғишт терувчиси.**

— Конференция Тезисларида «Тошкент шаҳар ва область Советларининг экология масалаларида ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштириш ниҳоятда муҳимдир», дейилган. Делегат сифатида бу гапга қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам шаҳримизни ободонлаштириш учун ҳали кўпгина ишлар қилишимиз лозим. Шаҳар ичидан ва атрофидан оқиб ўтувчи катта-кичик анҳорлар ғоят ифлос, қаровсиз қолган. Шаҳар кўчаларини айланар эканси, бир неча кунлаб олиб кетилмаган ахлат уюмларига кўзингиз тушади. Супурилсиз жойлар кўп. Мана масалан мен истиқомат қилаётган Юнусобод массивини олайлик. Массивда ёритиш системалари жуда ёмон ишлайди. Электр чироқлари тез-тез ўчиб туради.

Қурувчи сифатида ҳам ўз фикримни айтмоқчиман. Кейинги йилда уй-жой қурилишига эътибор кучайди. Бироқ сифат масаласида ҳамон оқсаяпмиз. Қурилиш объектларини материаллар билан таъминлаш ҳам яхши эмас. Гоҳ ғишт етишмайди, гоҳ бетон ва ҳоказо. Энг муҳими таъминотни яхшилашимиз керак.

Область партия конференциясидан кўп нарсаларни кутмоқдамиз. Ўйлайманки, тўпланиб қолган мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари очиқ-ойдин кўрсатилади.



**М. ШАҲОБОВА,**
**Киров район соғлиқни сақлаш бўлими мудири.**

— Конференция Тезислари билан танишиб чиқдим. Унда таъкидланганидек, областнинг қатор шаҳарлари ва районларида малакали медицина кадрлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Яна шуни айтиш керакки, ҳатто пойтахтдаги кўпгина медицина муассасаларида ҳам бундай танқисликни сезамиз. Кўпгина поликлиника ва шифохоналар замонавий медицина асбоб-ускуналари билан етарли даражада таъминланмаган. Маълумки, бизнинг районимиз 1966 йилги ер силкинишидан кейин бунёд этилган. Бироқ медицина муассасалари, (31-поликлиникадан ташқари) қуриш кўзда тутилмаган. Районга айни пайтда 220 ўринли туғруқхона керак.

**Суҳбатни Т. ТОШЕВ ёзиб олди.**

## ЗАМОНДОШИМИЗ



Область партия конференцияси делегатлари

# УСТА

**Ҳа, тилимизда шундай сўз бор. Буни устоз ҳам, уста ҳам деб тушуниш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Ўз касбининг устасини ота-боболаримиз азалдан ардоқлаб «Уста» деб келишган. Агар ҳозир гап Хайрулла Мажидов — «Красноходмскгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи ҳақида борса, демак билингки, бу киши ҳақиқий уста!**

**Мана, унинг укаси — Ҳамидулла нима дейди:**

**— Йигирма йилча бўлди акам усталик қилади. Шу касби туфайли обрў-эътиборли бўлиб келяпти. Келинойим Муяссар Тошпўлатова шаҳар нотариал идорасида ишлайдилар. Уч фарзандни катта қилишяпти. Нодира 5-синфда, Сайдулла — учинчида. Кенжатой Насиба боғчага боради...**

**Октябрь район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Леонид Петрович Шевченко фикри:**

**— Бошланғич партия ташкилоти коммунистлари Хайрулла Мажидовга катта ишонч билдиришди. Негаки у актив коммунистларимиздан ҳисобланади. Топшириқларини доимо сидқидилдан бажаради. Яхши инсон! Район партия комитетининг пленум ва бюро йиғилишларига масалалар тайёрлашда, меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини текширишда фаол қатнашади.**

**Хайрулла Мажидовнинг ўзи билан ҳам суҳбатлашдик. Бу сўз, бу мақтовлардан асар ҳам топа олмадик. Фақат иш, ҳозирги давр масъулияти, аҳоли дидига мос маҳсулотлар тайёрлаш ҳақида сўзлайди. Иш унинг бутун борлиғини қамраб олган, дейиш мумкин.**

**— Геология партияларига турли хил дурадгорлик буюмлари тайёрлаб берамиз, — дейди у, — тоғу-даштларда ишлаётган дўстларимизга юбориладиган бу маҳсулотлар қанчалик мустаҳкам бўлиши зарурлигини айтмаса ҳам бўлади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг учдан бир қисмидан кўпроғини кенг истеъмол буюмлари ташкил этади.**

**Бригадада тўққиз киши меҳнат қилади. Анвар Темиров, Абдунаби Ғаффоров, Абдурашид Ҳакимовлар унинг энг яхши ёрдамчиларига айланганлар. Кўпчилик саъйи-ҳаракати билан йиллик план шу йилнинг 7 ноябригача адо этилди, ҳозир улар янги йил ҳисобига дурадгорлик буюмлари тайёрлашяпти.**

**Хайрулла бу йил роппа-роса қирқ ёшда. Шундан ўн уч йилини мана шу бирлашмага бағишлади. Олти йил муқаддам КПСС сафига қабул қилинди. Коммунист сифатида ўсиб улғайди. I даражали Меҳнат Шуҳрати орденига, «Шавкатли меҳнати учун» медалига сазовор бўлди.**

**Уста ҳақидаги бор гап шу! Замондошимиз Янги йилга ёруғ чеҳра билан пешвоз чиқяпти.**

**Ҳ. АКРОМОВ.**

**◉ СУРАТДА: Хайрулла Мажидов.**

**Т. Каримов фотоси.**

## XXIII ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область партия комитети маълум қиладики, XXIII область партия конференцияси 1988 йил 23 декабрь соат 10.00 да область партия комитетининг мажлислар залида очилади. Адрес: Ўзбекистон кўчаси, 9.

Делегатлар ва таклиф этилганлар область партия комитети мажлислар зали фойесида рўйхатга олинадилар. (Ўзбекистон кўчаси, 9).

22 декабрь — соат 14.00 дан 20.00 гача.
23 декабрь — соат 8.30 дан 9.45 гача.
24 декабрь — соат 8.30 дан 9.45 гача.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ.**

### Конференция телевидение орқали кўрсатилади

**XXIII Тошкент область партия конференцияси мажлиси 1988 йил 23 декабрь соат 10 дан бошлаб Ўзбекистон телевидениесининг II программаси орқали трансляция қилинади.**

### Ҳиссиётга берилмай

20 декабрь куни Тошкентнинг Инқилоб хиёбонида студентлардан бир группаси йиғилди. Журналистлардан Ю. Кружилин ва И. Хисомовнинг «Совет Ўзбекистони» ҳамда «Правда Востока» газеталарининг 16 декабрь сонида босилган «Ҳақиқатгўй» Муҳаммаднинг икки хил сўзи» сарлавҳали мақоласи шу йиғинга сабаб бўлди.

Студентларнинг талаби билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи залида учрашув бўлди, унда Ю. Кружилин йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарди. Сўнгра, М. Солиҳ яқин вақт ичида мақолага ўзининг жавобини газеталарга юборажагини маълум қилди.

(ЎзТАГ).

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИДА

**1988 йилнинг 17—19 декабрь кунлари СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг биринчи мажлислари бўлиб ўтди.**

**Мажлисларда комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, секретарини сайлаш, СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш бўйича комиссияларнинг иш планларини тасдиқлаш масалалари, шунингдек сайловлар билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар қараб чиқилди.**

**115-ТОШКЕНТ — ҲАМЗА МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Хатипов Эдип Закирович**, республика «Агропромремонт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба ремонт-механика заводининг директори.

Раис ўринбосари — **Содиқов Мирзоҳид Мирмаҳмудович**, Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг иккинчи секретари.

Секретари — **Ашмарина Наталья Ильинична**, «Сельэнергопроект» институтининг Тошкент шаҳридаги Ўрта Осиё бўлинмаси инженер-электриги.

**Сайлов комиссияси Ҳамза район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700016, Тошкент шаҳри, Майна Ҳасанова кўчаси, 2-уй, телефони — 96-44-80.**

**116-ТОШКЕНТ-ФРУНЗЕ МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Капитонов Владимир Владимирович**, Тошкент эксперименталь-пластмасса фурнитуралари заводининг слесарь-созловчиси.

Раис ўринбосари — **Савченко Борис Владимирович**, Ўзбекистон Компартияси Сергели район комитетининг секретари.

Секретари — **Алимов Асад**, «Хлопкопром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг сектор мудири.

**Сайлов комиссияси Фрунзе район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700100, Тошкент шаҳри. Шота Руставели кўчаси, 62-уй, телефони—53-63-34.**

**117-ТОШКЕНТ — ОКТЯБРЬ МИЛЛИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Миржалилов Атҳам Жалилович**, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени бошлиғининг ўринбосари.

Раис ўринбосари — **Кудрявцев Игорь Владимирович**, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси.

Секретари — **Мақсудова Ҳаёт Асроровна**, Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси.

**Сайлов комиссияси Октябрь район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, телефони —41-04-50.**

**596-ТОШКЕНТ — АКМАЛ ИКРОМОВ ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Ефимов Николай Владимирович**, «Средазгазавтоматика» заводининг токари.

Раис ўринбосари — **Ҳамиджонов Маҳмуд Ҳамиджонович**, кўн-мўйна заводининг директори.

Секретари — **Сирожиддинова Людмила Шомуротовна**, 123-ўрта мактаб ташкилотчиси.

**Сайлов комиссияси Акмал Икромов район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700126, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-уй, телефони — 74-16-70.**

**597-ТОШКЕНТ—ЛЕНИН ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Югай Эдуард Валентинович**, «Тошкент» станцияси йўл поликлиникасининг бош врачи.

Раис ўринбосари — **Чумичев Модест Леонтьевич**, Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг иккинчи секретари.

Секретари — **Раҳматуллаева Дилфуза Турсуновна**, «Узобувьторг»нинг Тошкент область савдо базаси товаршуноси.

**Сайлов комиссияси Ленин район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 18-уй, телефони — 33-14-34.**

**598-ТОШКЕНТ—КИРОВ ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Копейкин Владимир Иванович**, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

Раис ўринбосари — **Қурбонов Рустам Жавдатович**, Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Секретари — **Мирусмонова Тамара Фаруҳовна**, Ўзбекистон ЛКСМ Киров район комитетининг секретари.

**Сайлов комиссияси Киров район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 89-уй, телефони—35-02-31.**

**599-ТОШКЕНТ—КУЙБИШЕВ ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Кожеватов Владимир Григорьевич**, «Узгипротяжпром» институти бўлимининг бош мутахассиси.

Раис ўринбосари — **Содиқова Саида Юсуповна**, Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг иккинчи секретари.

Секретари — **Боқиева Фарида Ҳожимуродовна**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими.

**Сайлов комиссияси Куйбишев район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 59-уй, телефони — 33-05-66.**

**600-ТОШКЕНТ—ЧИЛОНЗОР ТЕРРИТОРИАЛ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙЛАНДИЛАР:**

Раис — **Усмонов Саидмаҳмуд Нуъмонович**, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори.

Раис ўринбосари — **Сулаймонхўжаев Абдулла Самиғович**, Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитетининг секретари.

Секретари — **Розенберг Ольга Викторовна**, ирригация, гидротехник иншоотлар ва кўкаламзорлаштириш ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш тресги партия комитетининг секретари.

**Сайлов комиссияси Чилонзор район Совети ижроия комитетида жойлашган.**

**Адреси: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 2-квартал, 53-уй, телефони — 77-24-15.**

**СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ.**

